



ПРЕЗИДЕНТ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ ҲАРБІЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАЖМУАСИНИ БОРИБ КЎРДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 7 январь куни Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий таълим муассасалари фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 июндаги қарориди ўқимларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мам-

лакатимиз Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар тайёрлаш бўйича янги тизим белгиланган эди. Унга мувофиқ,

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати

ва Миллий гвардия таркибиди "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилди.

Хусусан, Давлат хавфсизлик хизматининг "Темурбеклар мактаби" учун пойтахтимизнинг Юнусобод туманида янги бино қурилди.

Ташриф чоғида Президентимизга ҳарбий-академик лицейдаги ўқитиш тизими ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил октябрда бу ерга келганида ҳамда Хавфсизлик кенгазининг ўтган йилги йиғилишида ҳарбий таълимни такомиллаштириш, ёшларни юртимиз тарихи ва боболаримиз жасорати асосида ватанпарвар этиб тарбиялаш бўйича кўрсатмалар берган эди.

"Темурбеклар мактаби"да ўқиш шундай ташкил этилган. Бунинг учун бешта кафедра: аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар, хорижий тиллар, психология ва тарбия фанлари ҳамда касбий-амалий фанлар кафедралари очилган. Уларга юқори малакали педагоглар очик танлов асосида қабул қилинган.

Лицей тарих фани ва хорижий тилларга ихтисослашган. Ёшлар орасида бу ерда ўқишга интилиш жуда кучли. Жорий ўқув йилида 5 минг 600 нафар талабдордан энг билимли 100 нафари саралаб олинган. Бугунги кунда 220 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда.

Президент лингафон, психодиагностика ва маънавият хоналарини кириб кўрди. Амир Темур меросини ўрганиш марказида ёшлар билан суҳбатлашди.

— Мана шундай илғор мактабда ўқиётганингиз билан сизларни, ота-оналарингизни табриклайман. Сизлар Янги Ўзбекистоннинг қанотсизлар. Бу қанотлар нима билан кучли бўлади? Билим билан! Камида икки-учта тилни, аниқ фанларни ва тарихимизни мукамал билишингиз керак. Мана, бу мактабда психология фанини ҳам киритдик, униям яхши

ўрганинг. Сизларда ҳамма имконият бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда видеоконференция орқали Тошкент, Нукус, Фарғона ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари билан ҳам мулоқот бўлди.

Ушбу мактаблар ўқувчилари ўртасида маънавият бўйича танлов ўтказиш, Темур тузуқларининг ҳар бир тузуги бўйича илмий шарҳлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари лицей кутубхонасида ҳам бўлди. У ерда китоб ўқиби ўтирган йигитлар таълим масканида яратилган шароитлар, ўқувчилар ўртасидаги дўстона муҳит ҳақида сўзлаб берди. Улар орасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам бор.

— Мамлакатимизда ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди, ҳаммасининг ривожланиши учун шароит яратялмиш. Фақат қайси ёш ўзини қийнаб, вақтини бекор ўтказмай, кўпроқ билим олса, келажақда муваффақиятга эришадди. Ҳамма буюклик ниятдан келади, меҳнатдан келади, — деди Президент.

Лицейнинг ўқув биноси, спорт зали, ётоқхона, ошхона, тиббий хизмат марказида энг замонавий шароитлар яратилган. Шунингдек, мажмуа ҳарбий машғулотлар майдони, стадион, сув ҳавзаси, автодром ва плацни ўз ичига олган.

"Темурбеклар мактаби"нинг Амир Темур номидаги Давлат хавфсизлик хизмати академияси билан ёнма-ён барпо этилгани ҳам аҳамиятли. Бу ерда талабалар ва ўқувчилар ҳамоҳанг муҳити, устоз-шогирд, ака-ука бўлиб камолга етади.

Президент ушбу академиядаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

8 ЯНВАРЬ — ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАЛҚ САРИ ЮЗ ТУТГАН КАМАРБАСТА ТУЗИЛМА

Асрлар давомида озод, эркин, фаровон ҳаёт, адолатли жамият халқимизнинг орзуси, хоҳиш-истаги бўлиб келди. Бу орзу рўёби йўлида халқимиз мислсиз машаққатларни бошидан ўтказди, курашларда тобланди, синовларни енгди. Бинобарин, эл-юртимизнинг ўтмиши айнан ана шу курашлар ва синовлар тарихидан иборатдир, десак хато бўлмайди.



Бироқ илгари бундай шонли тарихни чуқур ўрганиш, ҳолис талқин қилиш, шу тариқа миллатимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини тараннум этиш имкони чекланган эди.

Ваҳоланки, ватанимизнинг, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, соҳа ва тармоғи шу қадар бой ўтмишга, ноёб анъаналарга эгаки, уларнинг ҳар бири тўғрисида залварли китоблар ёзиш мумкин.

Хусусан, тараққиётимизнинг янги босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг, давлат манфаатларининг том маънодаги ҳимоячисига, қонун устуворлиги ва адолат тантанасини таъминлашнинг муҳим воситасига айланиб бораётган прокуратура тизимининг ҳам узоқ йиллик тарихи, бугунги қизғин ҳамда кенг қўламли фаолиятининг ўзига хос ривожланиш босқичлари бор.

Илк марта мустақил давлатнинг прокуратураси сифатида эътироф этилган ва бу мақоми қонуний тарзда мустақамланганига 30 йил бўлган тизим миллий давлатчилигимизнинг олис тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Тарихдан маълум, давлатчилик пайдо бўлибдики, тартибга солувчи қонун-қоидалар, барча учун мажбурий бўлган нормалар яратилган. Албатта, уларнинг ижроси ҳам назорат қилиб келинган. Тарихчи мутахассисларнинг қайд этишича, ислом ҳуқуқида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш билан шуғулланувчи алоҳида тузилманинг мансабдори муҳтасиб деб юритилган.

Давоми 2-бетда

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ “ЎСИШ НУҚТАСИ”

Янги Ўзбекистонда янги йилга "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили", деб ном берилди. Жорий йилга бундай ном берилиши жамият фаолиятининг барча соҳалари сингари халқ дипломатияси ривожини учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, фаол маҳалла дастурини амалга оширишни, таъбир жоиз бўлса, ўзбек халқ дипломатиясининг миллий драйвери, деб баҳолаш мумкин.

Маълумки, халқ дипломатияси халқаро ҳамжамиятнинг барқарорлигини сақлашда, турли давлатларнинг ўзаро тинч-тотув яшашини таъминлашда муҳим омили ҳисобланиши кейинги даврда, айниқса, кенг қўламли рақамли алоқалар ривож топгани сайин янада яққол намоён бўлмоқда. Зеро, ҳар қандай давлатнинг дунё ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини белгилашда унинг халқаро муноса-

батлардаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро ишончга асосланган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, дунё мамлакатлари, хусусан, қўшни давлатлар билан тинч-тотувлик тамойили асосида мулоқот қилиш, фақат давлатлараро эмас, балки халқларнинг кенг қатлами ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни ҳам кенгайтириш бугунги замоннинг асосий талабларидан биридир.

Халқ дипломатиясига, одатда, турли давлатлар халқларининг ўзаро муносабатларини янада яхшилашга қаратилган, иккинчи томондан эса, ҳар бир давлат аҳолисининг ички турмуш тарзида ҳам ўзаро бирдамликни улуғловчи "юмшоқ" куч сифатида қаралади.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

УЧКЎПРИК ТАЖРИБАСИ: ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР

УШБУ ТАМОЙИЛ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТУФАЙЛИ АЙНИ ПАЙТДА БИРГИНА ТИКУВЧИЛИК СОҲАСИДА 1860 ГА ЯҚИН ХОНАДОН ДАРОМАД ТОПАЁТГАН БЎЛСА, ТЕЗ ОРАДА БУНДАЙ ОИЛАВИЙ ҚОРХОНАЛАР СЕНИ ЯНА МИНГТАГА КЎПАЯДИ

Бундан беш-ўн йил аввал Учкўприк тумани ҳақида сўз кетса, асосан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги амалий ишлар эътироф этилар эди. Сабаби, кўҳна Қўқоннинг шарқий ва жанубий қисмига туташ жойлашган бўлишига қарамай, Учкўприкка яқин йилларгача фақат хомашё етказиб берувчи ҳудуд сифатида қараб келинган. Манфаатдорлик ҳам шунга яраша эди. Соҳалардаги янги ғоя ва ташаббуслар қўллаб-қувватланмасди. Туманда бармоқ билан санарли sanoat қорхоналари, тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатарди.

Давоми 4-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИНСОН ҚАДРИ — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИ

Инсон қадрини улуғлаш, ҳар қимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланди.

Ўтган йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида бу борада самарали ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, аҳоли муносабатлари билан ишлаш жараёнига янги механизмларнинг татбиқ этилиши орқали қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолини қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш, қийноқларнинг олдини олиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, сўз эркинлигини мустақамлаш каби қатор йўналишларда салмоқли натижаларга эришилди.

Қолаверса, жиноят содир этиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ҳамюртларининг афв этилиши ва уларнинг жамиятга мослашишига қўмақлашиш, "Меҳр" операциялари доирасида уруш ўчоқла-

ридан аёллар ва болаларни қайтариш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси халқаро ҳамжамият томонидан кўп бора эътироф этилди.

Ўтган беш йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, Омбудсман фаолиятининг қонунчилик базаси мустақамланиб, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм жорий этилди. Табиийки, бу чора-тадбирлар тўғрисида Омбудсманнинг халқаро майдондаги позицияси ҳам мустақамланди.

Давоми 3-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ



ИНСОН ҚАДРИ — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИ



Феруза ЗЖМАТОВА,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Бошланиши 1-бетда

Шу кунларда кенг жамоатчилик муҳока-масига тақдим этилган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳасида бу борадаги хайр-ли ишларни изчил давом эттириш ва юқо-ри босқичга кўтариш билан боғлиқ муҳим тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилмоқда. Жумладан, инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш мақсадида маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахслар-нинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъмин-лаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жа-миятга реинтеграциясига қўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, бу йўналишда давлат ва жамият институтлари-нинг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан, ҳаракатланиш эр-кинлигини кечлаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш-га ҳам устуворлик берилган.

Жинойи қонунчиликни либераллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жинойи жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш билан бирга, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш, жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнидаги инсон омилини бартараф этиш масалалари ҳам Тараққиёт стратегиясининг муҳим мақсадларидан саналади.

Келгусида қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доираси-да ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга ташкил этилаётган монито-ринг таътирлари орқали у ердаги шароит-ларни халқаро стандартларга мослаштириш-га эътибор янада кучайтирилади. Қолаверса, қийноққа учраган шахсларга амалий қўмак кўрсатиш, қийноққа солишдан жабрланган-ларга етказилган зарарнинг компенсация қи-линишини таъминлаш ҳамда унинг тартибини ишлаб чиқиш борасида қатор вазифалар бел-гиланган. Бу жуда муҳим. Зеро, ҳар қандай жабрланувчи қийноқ ёки шафқатсиз муомала учун тазор, адолатли ва тенг компенсация олиш ҳуқуқига эга.

Тараққиёт стратегияси лойиҳасида яна бир муҳим мақсадлардан бири сифатида давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқарога

хизмат қилишга йўналтириш” тамойили асо-сида трансформация қилиш вазифаси бел-гиланган. Бунда асосий эътибор вазирлик ва идоралар фаолиятининг барча йўналишлари-ни “Давлат — халқ хизматчиси” тамойили асосида фуқарога хизмат қилишга йўналти-ришга қаратилади. Ушбу масала низоҳатда катта аҳамиятга эга эканини ҳаётнинг ўзи яққол исботлаб турибди. Буни Омбудсманга келиб тушаётган мурожаатлар таҳлилидан ҳам қўриш мумкин. Мурожаатларда аҳоли томонидан кўтарилган масалаларнинг кўпчи-лиги айнан қуйи ижро органларининг масъ-улиятсизлиги ва эътиборсизлиги оқибатида келиб чиқаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Тараққиёт стратегияси доирасида Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга ҳам устуворлик берилмоқда. Парламент томонидан мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини назоратга олиш, жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисоботини эшитиш, натижасига мувофиқ уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш механизмининг амалга оширилиши парламент назоратининг таъсирчанлигини янада оширади.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўй-ича вакили ҳам ушбу жараёнда фаол ишти-рок этиб, парламент палаталари билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Жумладан, мурожаатлар таҳлили ва ўтказилган монито-ринг таътирлари орқали мутасадди ташки-лотлар раҳбарларининг эшитувларини таш-кил этиш, сайёр қабуллар уюштириш билан бирга қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан кенг фойдаланади. Ошкоралик ва очиклик тамо-йиллари фаолиятимиз асоси бўлади.

Маълумки, ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан Парламент томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинган эди. Мазкур Конвен-ция ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг-лик асосида барча ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Эндликда ногиронлиги бўлган шахсларга етарли шарт-шароит яратиш борасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадага мувофиқ. Бунда имконияти чекланган шахсларнинг мавжуд шароитлардан фойдаланиши, шах-сий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация, тенг-лик ва камситмаслик каби қатор муҳим маса-лалар қамраб олинishi лозим.

Тараққиёт стратегияси лойиҳасида аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъ-минлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш мақ-сад қилинган. Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш йўналишида имкони-яти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар-нинг бандлигини уч баробар ошириш вазифаси ҳам эътибордан четда қолмаган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканлиги нуқтаи на-заридан хулоса сифатида айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси-да мамлакатимиз инсон қадрини юксалтириш борасида келгуси беш йиллик учун муҳим вазифа ва мақсадларини белгилаб олган. Уларнинг амалга ошиши учун эса ҳар бири-миз масъулдирмиз. Зеро, мамлакатимиз ке-лажиги ва ривожини учун ҳамжиҳатлигимиз ва бирдамлигимиз муҳимдир.

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА ЗАРУР ШАРТИ

Нуриддин МУРОДОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманларо суди раиси ўринбосари

Маълумки, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди. Ўтган даврда мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида 300 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 мингдан зиёд фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ана шу эзгу мақсад ва ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш натижаси ўлароқ, юртимизда “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” ғояси асосида Янги Ўзбекистонни барпо этиш асослари яратилди.

Мамлакатимизнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йул харита-си”ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси тайёрланди. Унда мамлакатимизни ривожланти-ришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида юзга яқин мақсадларга эришиш назарда тутилган.

Лойиҳада, барча бўғиндаги давлат бошқа-руви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан, жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокама-ларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесими-да ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича даст-турлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб бориш, давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жа-раёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бо-риш тизимини яратиш, ҳар бир тармок ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юза-сидан раҳбарларнинг ҳисобот беришини йўлга қўйиш белгиланмоқда.

ЛОЙИҲАДА АҲОЛИНИНГ ФИҚР-МУЛОҲАЗАЛАРИ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Тараққиёт стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида аҳоли-нинг тақлифлари ҳам муҳим ўрин тутган. Ўт-ган йили юртимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари жараё-нида Президентликка номзодларга аҳоли то-монидан қўллаб тақлифлар берилди. Айниқса, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш, юзасидан деярли барча ҳудудларда қатор тақлифлар илгари сурилди. Жумладан, номзод Шавкат Мирзиёевга бевосита маҳаллаларда

“ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ДЕБ НОМЛАНГАН БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА “ФУҚАРОЛАРНИНГ КАМИДА УЧДАН БИР ҚИСМИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАҲАЛЛА РАИСИГА НИСБАТАН ИШОНЧСИЗЛИК БИЛДИРИШ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ” НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА.

ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш борасидаги фикр-истаклар эди.

Айни шу каби тақлифлар ва жойларда кўта-рилган масалалар Янги тараққиёт стратегия-сини ишлаб чиқишда асосий омиллардан бир бўлди. Яъни, билдирилган тақлиф ва мулоҳа-залар асосида вазифалар белгилаб олинди.

Масалан, Тараққиёт стратегиясининг инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жами-ятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш деб номланган биринчи усту-вор йўналиши доирасида “Фуқароларнинг ками-да учдан бир қисми ташаббуси билан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш тарти-бини жорий этиш” назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий кенгашлар фаоли-ятининг ҳуқуқий асосларини янада такомил-лаштиришга қаратилган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари регламенти тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари Кен-гашлари назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳа-сини ишлаб чиқиш илгари сурилди. Ҳудудларда амалга оширилаётган давлат органларининг вазифалари бўйича “ваколатлар реестри”ни шакллантириш, тақрорланадиган 500 дан ор-



тиқ функцияларни мақбуллаштириш, маҳал-лий ҳокимликларнинг ҳар бир вазифа ижроси, сарфланаётган маблағлар юзасидан жамоатчи-лик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш, давлат органларида иш вақти ва меҳнат меъёрлари бўйича қонунчиликни қайта қўриб чиқиш ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти стандартлари асо-сида такомиллаштириш, давлат фуқаролик хизматида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини

“ШУНИ АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТИШ ЖОИЗКИ, МАЗКУР ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА АҲОЛИНИНГ ТАҚЛИФЛАРИ ҲАМ МУҲИМ ЎРИН ТУТГАН. ЎТГАН ЙИЛИ ЮРТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВЛАРИ ЖАРАЁНИДА ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРГА АҲОЛИ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ ТАҚЛИФЛАР БЕРИЛДИ. АЙНИҚСА, МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЮЗАСИДАН ДЕЯРЛИ БАРЧА ҲУДУДЛАРДА ҚАТОР ТАҚЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ.

ҳимоя қилишга оид самарали механизмларни ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда.

Кенг жамоатчилик фикр ва мулоҳазалари асосида, оммавий ахборот воситаларининг фао-лиятига ноқонуний аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан цензура ўрнатиш, тахририят ҳодим-ларига босим ва тазйиқ ўтказиш, материаллар ва техник воситаларни улардан ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилган учун жавобгарлиқни янада кучайтириш муҳим вазифа сифатида лойиҳадан ўрин олди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

2022 йил давлат дастури доирасида 8 та мақсад ва 28 та банд асосида, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган мулк-ий, шу жумладан, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ барча маъмурий ҳужжатларни қатъий равишда фақат суд тартибиде бекор қи-лиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш амалиётини жорий этиш, иқтисодий судларда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар юза-сидан регрессив (камаийиб борувчи) давлат бож-и ставкаларини, хусусий мулк устуворлиги асосий тамойил сифатида белгилаш назарда тутилган.

Бунда: давлат идорасининг расмий маълумо-тига ишониб мол-мулк сотиб олган шахсининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш; инсофли эгалловчининг мулк-ий ҳуқуқларини ка-фолатлаш ва мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг молиявий механизмларини қўллаш, мансабдорлар қарори, ҳаракати (ҳаракатсизли-ги) ноқонуний эмаслигини судда исботлаш маж-бурияти, уни қабул қилган мансабдор шахсининг ўзига юқлаш тартиби — “айбдорлик презумпция-си” ва “суднинг фаол иштироки” тамойилларини, процессуал қонунчиликда адвокатнинг ваколат-ларини, шу жумладан, далилларни тўплаш ва тақдим этиш ваколатларини кенгайтириш каби прогрессив нормаларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилмоқда.

Алоҳида қайд этиш кераки, иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўли-шидан қатъи назар, уни ушбу судлар томонидан қабул қилиш ва тааллуқлигига қўра, тегишли суд-га юбориш тартибини, давлат идоралари томони-дан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш бўйича маъмурий судлар ваколатини аниқ белгиланаяпти. Суд буйруғи тартибиде қўриб чиқиладиган айрим тоифадаги низоларни ҳал этишни автоматлашти-риш, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари-

ни янада кенгайтириш, шу жумладан, маъмурий суд иш юритувига келишув институтини жорий этиш, судьялик лавозимига номзодларни тайин-лаш жараёнида судьялар ҳамжамияти органла-рининг аниқ ваколатини белгилаш, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини очиб ва шаф-фоф тарзда ташкил этиш, уларнинг ҳолислиги ва бегаразлигини таъминлаш бугунги кунда суд фаолиятини такомиллаштириш, одил судловни таъминлашга қаратилгани ҳам мазкур йўналиш-лардаги муҳим қадамлардир.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

Ички ишлар органлари ходимларининг “Касбий маданият кодекси”ни амалиётга татбиқ этилиши-ни таъминлаш, мурожаатлар билан ишлаш соҳа-сига рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда аҳоли учун уйдан туриб, туну кун тўғри-дан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини яратиш, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш институти-ни ислоҳ қилиш ва жиноят ҳақидаги хабарларни рўйхатга олиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш, мансабдор шахслар маъмурий суд қарорини ба-жармаган тақдирда, уларга нисбатан “ошиб бо-радиган” жарима ва бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш тартибини ишлаб чиқиш инсон қадри-ни улғулаш мақсадида амалга оширилиши белгила-наётган вазифалар ҳисобланади.

Лойиҳада судлар томонидан ижро варақа-ларини инсон омилисиз электрон шаклда юбо-риш имконини берувчи электрон платформани яратиш орқали ушбу жараёни тўлиқ рақам-лаштириш, ижро жараёнини шаффоф тарзда масофадан туриб онлайн кузатиб бориш имко-нини яратиш, унинг муқобил механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам ўз ифодасини топган. Узаро қарздорликни тартибга солиш, ҳисоб-китоб қилиш ва ундириш институтлари ва механизмларини, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш, процессуал қо-нунчиликка тегишли халқаро ҳуқуқ нормала-рини имплементация қилиш, мажбурий ижро органларининг функцияларини хатловдан ўтқа-зиш ва айримларини хусусий секторга ўтказиш, ижро ишини юритиш тизимини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш одамларни оғирини енгил қилишга, улар-нинг вақтини тежашга қаратилган ислохотлар-нинг мантиқий давоми саналади.

“Мустақил адвокатура концепцияси” асосида адвокатура фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунни ишлаб чиқиш, адвокатнинг процессуал мақомини кучайтириш, адвокатлик лицензиясини олиш учун юридик мутахассислик бўйича иш стажига оид талабни бекор қилиш, олий юридик маълумотли шахсларга 3 ойлик стажировкадан кейин адвокатлик имтиҳонини топишириш ҳуқуқи берилаяпти. Бундай имкониятлар ва олий юридик таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида тахсил олаётган битирувчи курс талабаларига ўқидан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида ишлаш ҳуқуқини бериш, адвокатнинг процессда иштирокини таъминлашнинг соддалаштирувчи “Электрон адвокат ордери”ни жорий этиш кўпчилик ҳуқуқни ҳимоя қилувчи соҳа вакилларини тақлифлари инобатга олинганлигидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, Тараққиёт стратегия-си юртимизда халқпарвар давлат сифатида Янги Ўзбекистонни сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқти-содий ва илмий-маърифий, маънавий тараққий эттиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси саналади.

Шу маънода, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йул харитаси” лойиҳасини такомиллаштириш юза-сидан муҳокамаларда фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқдир.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

УЧКЎПРИК ТАЖРИБАСИ: ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР

**Расулжон КАМОЛОВ,
Абдурауф ҚОЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

► Бошланиш 1-бетда

— Туманимиз бундан 95 йил аввал ташкил этилган, — дейди туман ҳокими ўринбосари Шухратжон Фозилов. — Қўқон, Бувайда, Данғара туманларига туташ жойлардаги ариқлар устига қурилган кўприклар унинг шундай номланишига асос бўлган. Бинобарин, халқимиз азалдан йўл қурган, кўприк солган инсонларни ҳурмат-иззат қилган. Ҳадисларнинг бирида ҳатто “Маскидини бўзиб кўприк қуриш мумкин, лекин кўприкни бузиб маскид қуриб бўлмайди”, дейилади. Учкўприк аҳли азалий тутумни ўтган йиллар давомида ривожлантириб келяпти, десам янгилишмаган бўламан. Қарангки, ҳозир туманимизда Марказий Фарғона канали ва Сўх дарёсидан сув ичиб келатган 50 дан ортиқ маҳалла бўлса, уларга кириб борган ариқлар устига ҳам 50 дан зиёд каттаю кичик кўприк қурилган.

Бугунги кунда Учкўприкдаги ижтимоий ҳаёт, иқтисодий манзара ҳам тубдан ўзгарган. Туман вилоятдаги йирик sanoatлашган ҳудудлар қаторида туради. Хусусан, 2021 йилнинг ўзида sanoat, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида умумий қиймати 280 миллиард 330 миллион сўм бўлган 45 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилиши ҳисобига икки мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Биргина sanoat соҳасидаги ишлар саломғи 2017 йилдаги таққослаганда 181,5 фоиз, экспорт ҳажми 500 баробар ошган.

Бу рақамлар бандларпроз гаплар эмас. Кейинги йиллардаги янги иш олохотларнинг амалий самараси. Утган йили жами 44 миллион 323,5 минг, шундан sanoat йўналишида 42 миллион 100 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди. 2017 йилда умумий экспорт ҳажми бор-йўғи 3 миллион 939,1 минг АҚШ долларига тенг бўлгани ҳолда жорий йилда бу кўрсаткич 45 миллион доллардан ошиши кутилляпти.

Туман иқтисодий салоҳияти юксалишида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Қўқон” эркин иқтисодий sanoat зонасининг ўрни катта. Утган йилнинг ўзида бу ерда умумий қиймати 1,8 триллион сўм бўлган 55 та инвестиция лойиҳаси фойдаланишга топширилиб, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 96 тага етди.

“Kokand Bicycles” хусусий корхонаси ЭИЗ ҳудудида 2018 йилда иш бошлаган. 2020 йилда бу корхонада MBF маркаси остида 170 мингдан зиёд велосипед ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш даражаси қарийб 60 фоизни ташкил этади. Ҳозир бу ерда 200 та иш ўрни яратилган. Шу корхона ўтган йили Қирғизистонга 700 минг АҚШ долларилик велосипед экспорт қилган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, “G’feat-kokand” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган момик сочиқлар Беларусь, “Uchko’rik ipagi” МЧЖ маҳсулотлари Хитой, “Hamangan evro qurilish dizayn” МЧЖнинг қурилиш ашёлари Туркменистон бозорларидан мустаҳкам ўрин олди. “Avvali kokand halva” оилавий корхонасида тайёрланаётган ҳолва эса АҚШга экспорт қилиняпти.

“Меҳриғиё” корхонаси Учкўприк туманининг “таширф қоғози” сифатида машҳур бўлиб борапти. Бу ерга ҳар йили юзлаб маҳаллий ва хориқлик сайёҳ табиий неъматлардан табобат учун тайёрланган гиёҳларни истеъмол қилиш илинжида келади.

ЖАРАЁН

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

2021 йилнинг 8 ноябрь куни Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган ййғилишда давлат объектларини хусусийлаштиришининг янги усулларини жорий этиш ва унинг барча босқичларида ошқинлик ва ошқорчалирида таъминлаш бугуннинг асосий масаласи экани таъкидланган эди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Ангрн ва Олмалик шаҳарлари ҳамда Урта Чирчиқ туманидаги давлат мулки объектлари ҳақида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Дастлабки манзилимиз Ангрн шаҳри бўлди. Бир неча йиллар зарар қуриб ишлаган, хомашё етишмаслиги сабабли фаолият юритмаган “ANGREN PACK” корхонаси билан танишдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 июлдаги тегишли қарорига асосан, мазкур объектининг устав фондидаги 25 фоиз давлат улуши “НИКОЛ ПАК” масъуляти чекланган жамиятига 25 миллион доллар сотилган. Қелишув шартномалари бўйича айланма маблағларни тўлдириш учун 13,5 миллион доллар, инфратўлиш ва бинопалрни тиклаш, шунингдек, қозғ маҳсулотлари ишлаб чиқаришини модернизация қилиш учун ускуналар харид қилиш ва қурилиш-монтаж ишларига 11,5 миллион доллар миқдоридда инвестиция қилиш шарти билан корхона “ноль” харид қийматида МЧЖга берилган.

Утган давр мобайнида инвестор корхонага 25,6 миллион доллар инвестиция қилиб, мажбуриятларини бажарган. Корхонада дастлаб реконструкция ишлари амалга оширилиб, бинопалнинг 60 минг квадрат метр том қисми тўлиқ янгиланган. Германия технологияси асосида қозғ ўрамлари ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар ўрнатилган. Бу технология билан бир кеча кундузда 156 тонна қозғ маҳсулоти тайёрланади.

Хитой ва Таиланд технологиялари асосида қозғ қутилар ишлаб чиқариш ҳам самарали йўлга қўйилган. Бир ойда 1,5 миллион метр ҳажмида сифатли маҳсулот тайёрланади. Яқин келажақда бу кўрсаткични 8 миллион метрга етказиш режалаштирилган.

— Корхонамизда 240 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Уларнинг унумли ишлаши

Жараён

яхшилаш ва экспорт имкониятларимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 27 майдаги “Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енгил sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқаришини, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янги имкониятлар эшигини очди. Айни кунда “Бобошбек” маҳалла фуқаролар ййғини ҳудудида 15 гектар майдонда мазкур мажмуа қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Ажратилган ернинг 9,2 гектариди ишлаб чиқариш, 3,8 гектариди савдо комплекси ташкил этилади. Бу ерда 128 та кичик, 60 та ўрта, 128 та йирик ишлаб чиқариш цехи ҳамда 560 та (ҳар бири 4 квадрат метр бўлган) савдо растаси қурилмоқда. Бу бир вақтнинг ўзида 8 мингга яқин аҳолини доимий иш билан таъминлайди.

Мажмуа тадбиркор оилалар ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдосини ташкил қилувчи марказ вазифасини ҳам ўтайди. Маълумот ўрнида айтганда, бугунги кунда тумандаги 53 та маҳалла фуқаролар ййғинидаги 1856 та хонадонда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 9 мингдан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.

Ҳақиқатан, қишлоққа sanoatни олиб кириш, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, турларини кўпайтириш янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда. Айни кунда 15 гектар майдондаги “Қақир-1”, “Қақир-2”, “Тожиқ-1”, “Тожиқ-2” ҳамда “Юксалиш” ёшлар кичик sanoat зоналарида янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилмоқда. Бу ерда 51 та истиқболли лойиҳа ишга туширилади.

ЧОРВАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ЯНГИ КООПЕРАЦИЯ

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ихтисослашув бир туман аҳолиси фақат бир маҳсулот етиштиришини аниглаймайди. Тадбиркорларнинг биргаликда бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариши ёки етиштириши бозор топиш имкониятини янада кенгайтиради. Шунингдек, бу маҳсулот сифатига ҳам таъсир кўрсатади, улар бир-бирларидан ўрганади ва технологияларни ўзлаштиради.

Бунда “Қақир-1” кичик sanoat зонасида “Sadaf sul” оилавий корхонаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳа мисолида қўриш мумкин. Ойига 750 тоннадан ортиқ сутни қайта ишлаш имкониятига эга корхонада 80 нафардан ортиқ ёш иш билан таъ-



Шарзод Қорабоев олган суратлар.

минланди. Бу ерда 18 турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳолбуки, яқин пайтга қадар туманда бундай қайта ишлаш тармоғи мавжуд эмас эди. Етиштирилган маҳсулотнинг аксарияти шаҳардаги турдош корхоналарга олиб кетилган.

— Сут етиштириш бўйича чорвачилик кооперацияси ташкил этишни бошладик,— дейди корхона раҳбари Сайидқосимжон Қорабоев.— Бу мақсадлар учун 7 миллион доллар миқдориди сармоя жалб этиб, Европанинг чорвачилик ривожланган мамлакатларидан насли ситгилар олиб келамиз. Натижада қуруқ сут, йогурт ва пишлоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва 200 та янги иш ўрни яратилади.

Бу мақсадлар учун “Тожиқ” маҳалла фуқаролар ййғинидаги 1000 та хонадонга кредит асосида 1 бошдан зотдор қорамол тарқатилади. Маҳсулотлар “Sadaf sul” оилавий корхона томонидан сотиб олинади. Бундан ташқари, кооперация аъзолари галладан бўшаган экин майдонларидан озқуа учун 50 сотихдан ер ажратилади. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажми ортади, таннархи арзонлашади.

МАҲАЛЛАНING “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ”

“Катта қашқар” маҳалласидаги хонадон эгалари томорқаларидаги иссиқхоналарда лимон етиштириб, яхшигина даромад топади. Шунингдек, ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик сингари оилавий тадбиркорлик юмушларининг ҳадисини олган.

Қурбонали Хонназаров бу борада кўпларга ўрнак бўлиб келаётган лимончилардан. Уч сотих ердан 40-50 миллион сўмгача даромад олади.

— Ҳар йили 2,5-3 тонна лимон териб оламиз,— дейди томорқачи. — Утган йили ҳам ҳосил яхши бўлди. Бир килограмми лимон 15 минг сўмгача улғуржи нархда сотилди. Лимонни баҳор ойларига сақлаш имконияти бор. Нархи ҳам шунга яраша бўлади. Бундан ташқари, чорва боқамиз, лимон қўчатлари етиштириш билан шуғулланамиз. Ҳалол меҳнат ортидан тўрт ўғилни уйли-жойли қилдик, тўлилар ўтаъзимиз.

“Катта қашқар”да ҳомийлик асосида маҳалла фуқаролар ййғини, қишлоқ врачлик пункти учун бино қурилди. Унинг раиси, тадбиркор Иброҳимжон Холматов ташаббуси билан бу ерда умумий қиймати 1 миллиард 400 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш, бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, муҳтожларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Утган йили “Аёллар дафтари”га қиритилган 47 нафар хотин-қиз ундан чиқарилди.

Бу ерда сўнги йилларда тадбиркорлик, хунармандлик, томорқадан самарали фойдаланиш борасидаги амалий иш тажрибалари кўпнинг эътибори, эътирофига тушди. Маҳалла раиси Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилган “Энг яхши маҳалла раиси” республика қўриқ-танлови ғолиби бўлиб, Президент совғаси — Cobalt автомобили билан тақдирланди.

Умуман олганда, Учкўприк тумани аҳолиси ихтиёрида 4886 гектар томорқа майдони бор. Айни кунда аҳоли хонадонларида икки мингдан ортиқ иссиқхона ташкил этилди. Бу ерда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида лимончилик, қўчатчилик аънаналари ҳам ривожланиб бормоқда.



15 та иш ўрни яратиш ҳамда 800 миллион сўм инвестиция қиритиш мажбурияти билан сотиб олинган.

Бугун тадбиркор томонидан 3,5 миллиард сўм миқдориди инвестиция маблағлари жалб қилиниб, бино қайтадан бунёд этилган, ажойиб гўшага айланган.

— Ҳозир бу ерда қурилиш ва таъмирлаш якунланиб, 240 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасаси иш бошлади,— дейди “TIA JANON” МЧЖ директори Фарҳод Ёшбоев. — Боғчамиз тўлиқ ишга тушгандан сўнг қўшимча 60 та янги иш ўрни яратишни режалаштирганмиз. Бугунги кунда бу ерда 30 нафардан зиёд бола тарбияланыпти. Уларга 15 нафар малакали мутахассис таълим-тарбия бермоқда.

Урта Чирчиқ туманидаги “Bazalt granite” масъуляти чекланган жамияти фаолияти билан танишиш учун борганимизда гирашира қоронғилик ўз кўланкасини ёйиб келаётганига қарамай, ишчилар қизгин меҳнат билан банд эди. Бу ерда турли гранит маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

МУЛЛАЗОИРГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ

Бундан икки йил аввал туман марказидан фарб томонга 10-12 километр юрсангиз, гиёҳ унмас даштга рубарў бўлардингиз. Тош-шағалдан иборат бийдай далада жон сақлаш жуда мушкул эди. Қаровсиз ер, тикон босган адирларда баҳорда ҳам ўт-ўлан ўнмасди. Ёзининг жазирамаси тинкани қуритса, қишининг безгак шамоли кўз очирмасди... Бу ҳаётий ташбехлар энди унутилди.

Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, жойларда янги шаҳар ва массивлар қуриш борасидаги улкан иш олохотлар Мўллазоир даштига янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Бир томони Қўқон, Яйпан, Бешариқ, Бағдод ва Риштон сингари шаҳар ва қишлоқларга олиб борувчи катта йўл бўйида қад ростлаган янги кўп қаватли турар жой маскани дашт қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартирди.

Қисқа фурсатда янги замонавий мавзе қад ростлади. Бу ерда 5 қаватли, 247 квартиралари 10 та уй тикланди. Бундан беш йил аввал нафақат қишлоқ, балки катта шаҳарларда ҳам бундай ҳашамдор уйлари қуриш амримаҳол эди.

— Уй-жойларда яратилган шарт-шароитларни қуриб, 16 километр олисдаги Ёлғунзор қишлоғидан кўчиб келдик,— дейди янги уй соҳибни Эргашали Нокўзиев. — Ипотека кредити асосида уч хонали уй олдик. Тўрт ўғил фарзандим бор. Бу ерда яшаш, ишлаш, болалар таълим-тарбияси учун керакли бўлган шароитлар яратиб берилгани айни муддо бўлди. Бизнинг яшаш шароитимизга ҳавас қилиб кўчиб келаётган ҳамқишлоқ дўст-биродарларим кўпайиб бормоқда.

Турар жойларни қуришда энергиятежамкор материаллардан фойдаланилган. Янги мавзеда барча коммуникация тармоқлари мавжуд. Спорт ва болалар майдончалари, савдо дўконлари қурилиб, ҳудуд ободонлаштирилди. Ҳозир янги мавзеда яна 12 та кўп қаватли турар жой барпо этилаётган бўлиб, тез орада фойдаланишга топширилади.

— Давлатимиз раҳбари раислигида аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича қийнда бўлиб ўтган видеоселектор ййғилишида фуқаролар ва қурилиш ташкилотларига белгилаб берилган янги имкониятлар уй-жойга эга бўлиш истагида бўлган оилалар учун янада кенг имкониятлар яратиб берди,— дейди Учкўприк тумани ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев. — Энди эҳтиёжманд аҳолига дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун 32 миллион сўм субсидия тўланиши, ипотека кредити ва субсидия олиш шартлари енгиллаштирилгани, шунингдек, қурилиш корхоналарига замонавий техника ва ускуналар сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлар ҳамда божхона имтиёзлари берилиши замонавий ва арзон уй-жойлар қурилишини янада тезлатишга хизмат қилади.

Сирасини айтганда, янги уй-жойлар “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳамда 4 та кичик sanoat ҳудудида туташ қурилаётган аҳоли бандлигини таъминлашдек долзарб вазифани удрдалашда ҳам кўп келади. Яна бир муҳим жиҳати — мазкур замонавий масканларда яшаётган ёшлар доимий даромад манбаига эга бўлади.



ШАРҲ

Охирги уч йилда юртимизда олий таълим муассасалари сони 152 тага етди. Қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага ошди. Хорижий мамлакатлардан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 хил янги касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача уч ярим баробар ошди. Таълим ислохотларининг ҳозирги босқичида эса олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш эҳтиёжи пайдо бўлди.



АКАДЕМИК МУСТАҚИЛЛИК

янги ғоя ва инновацион ташаббусларга чорлайди



Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат университети
ректору

Давлатимиз раҳбарининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шу мақсадга хизмат қилади. Қарорга биноан, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд давлат чет тиллари университети, Қорақалпоқ давлат университети ва Урганч давлат университети каби 35 та етакчи олий таълим муассасасига 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб эса академик ва бошқарув соҳаларида мустақиллик берилади.

Академик мустақиллик, бу — ҳар қандай олий таълим муассасасининг энг асосий тамал тоши, дейиш мумкин. Чунки академик мустақилликсиз олий таълим муассасаларида янги ғоя, ташаббус, инновацион фикрлаш, янгилаш илмий-тадқиқотлар бўлмайдди. Шу боисдан ҳам соҳада асосий ваколатлар аниқ белгилаб қўйилди. Биринчи навбатда, ўқув режаси, дастурлар, таълим йўналишларини энди олий таълим муассасасининг ўзи мустақил, бозор талабидан келиб чиқиб, касбий стандартлар асосида ишлаб чиқади. Бундан ташқари, кундузги, масофавий, сиртки, кечки каби ўқитиш шакллари, шунингдек, таълим олиш мuddатлари давомийлигини ҳам олий таълим муассасасининг ўзи белгилайди. Қўйингки, ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ барча масалаларда олий таълим муассасаларининг ўзига ваколат берилаяпти.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтга қадар ўқув режалари ҳамда дастурлари, малака талаблари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, таянч олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган. Таълим тили ва шакли таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш давлат комиссияси томонидан белгиланган. Эндиликда 35 та олий таълим муассасасида бу тартиблар бекор қилинди.

Шунингдек, ОТМлар тўлов-контракт асосида докторантурада ўқитиш қийматини белгилаш ва ўз маблағлари ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага қабул қилиш имконига эга бўлди. Магистратурада таълимнинг сиртки, масофавий ва кечки шакллари ҳамда амалий малакалар бериш тизимини ҳам жорий қилиши мумкин.

Қарор билан республика олий таълим муассасалари ичида ўзаро академик мобилиликка руҳбат берилди. Бу эса бир олий таълим муассасасининг талабалари бошқа бир олий таълим муассасасига бориб, бир семестр ёки бир ўқув йили давомида чуқур билим олишлари учун имкон яратди.

Биргина докторантура соҳасини оладиган бўлсак, бугунга қадар бизда докторантурага маълум бир квоталар асосида қабул қилинар ва бу чегарадан чиқиш мумкин эмасди. Эндиликда мазкур қарор билан чегара олиб ташланаяпти ва ўша давлат бюджети томонидан ажратиладиган докторантура

ўринлари сақланган ҳолда, қўшимча тўлов-контракт тизимида, яъни у ёки бу ташкилот ва корхона талаби асосида керакли докторантларни тўлов-контракт тизимида ўқитишга имконият яратилмоқда. Бугунгача фан докторларига 4 тадан 6 тагача, фан номзодларига 2-3 тагача илмий раҳбарликка руҳсат берилган бўлса, мазкур қарор билан бу чегаралар ҳам олиб ташланаяпти.

Молиявий мустақиллик берилаётган олий таълим муассасалари тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини давлат олий таълим муассасалари йўналиш бўйича белгиланган базавий тўлов-контракт қийматининг 3 баробаридан ортқ бўлмаган миқдорда мустақил белгилай

Президентимизнинг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса таълим хизматлари бозорини шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Энг аввало, мазкур ҳужжат давлат олий таълим муассасаларига хусусий ёки хорижий муассасалар билан тенг рақобатга киришишга ҳуқуқий асос яратиб беради.

Бу нималарда акс этади? Бугунги кунда бир талаба учун тўғри келадиган ўртача ҳаражат миқдори 8 миллион сўмдан 30 миллион сўмгачани ташкил этади. Эндиликда молиявий мустақил олий таълим муассасалари давлат буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш учун давлат бюджете



олади. Шу билан бирга, улар тўлов-контракт маблағларини тўлаш мuddатларини ўзлари белгиллаши ва ўзайтириши мумкин. Шундай ҳолатлар бўлар эдики, иқтидорли талабаларимиз бор, лекин улар ўз вақтида контракт маблағларини тўлай олмайдди ва оқибатда академик таътил олишга ёки ўқиниши ташлашга мажбур бўларди. Президентимизнинг мазкур қарори эса шу каби иқтидорли талабаларга яна бир бор имкон берди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчиларни шартнома асосида ишга жалб қилиш мумкин. Бу, ўз навбатида, таълим муассасасининг дунё рейтингига салоҳиятини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан, олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига замин ҳозирлайди. Қолаверса, ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш, хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни тўғридан-тўғри харид қилиш каби имкониятлар берилмоқда.

Эндиликда 35 та олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ва тижоратлаштириш билан боғлиқ ташкилотларни туза олади. Унинг тузилмаси ва шатталарини мустақил тасдиқлайди. Янги таълим йўналишлари ва мутахассислар тайёрлашни тўлов-контракт асосида ташкил этишлари ёки тўхтатишлари мумкин.

Бундан ташқари, мустақиллик берилган олий таълим муассасалари ўз имкониятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилар ва бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш миқдорини ҳам ўзи белгилайди.

Молиявий мустақил олий таълим муассасаларида васийлик кенгашлари тугатилиб, таркиби кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат Кузатув кенгашлари ташкил этилади. Мазкур кенгашлар томонидан олий таълим муассасалари ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва рағбатлантириш меzonлари тасдиқланади. Шунингдек, кенгашлар орқали маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қиладиган ички аудит ва назорат тизими ҳам кучайтирилади.

тидан ажратиладиган маблағлар бир талабага тўғри келадиган ўртача ҳаражат миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Шунингдек, давлат гранти асосида таълим олаётган талабалар учун бюджет маблағлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора ҳамда олий таълим муассасаси ўртасида имзоланадиган битим асосида ажратилади.

Таълим хизматлари бозорида иқтисодиёт тармоқларида реал эҳтиёждан келиб чиқиб, талабаларни грант асосида ўқитиш давлат буюртмаси асосида амалга оширилади. Бунда олий таълим муассасалари билан давлат томонидан битим тузилади ва бюджетдан бир талабани ўқитишнинг ўртача ҳаражат меъёrlарини белгиланган ҳолда, молиялаштирилади. Иккинчи томони, талабаларни ўқитиш қийматини, уларни контракт асосида қабул қилиш квоталарини ҳам мустақил белгиллаш ваколати берилмоқда.

Ҳам ишлаб чиқариш, ҳам технологияни тушунадиган, тилни мукаммал билладиган, олдига қўйилган вазифани аниқ ва лўнда англайдиган етук мутахассис тайёрласак, бу кадрлар эртага амалиётда қийналмайди. Ишни қандай ташкил қилишни билди, корхона самарадорлигига ўз хиссасини қўшади. Агар бундай кадрлар юзлаб, юз минглаб бўлса, жамият ҳаётини қандай ўзгартириб юборишини тасаввур қилаверинг. Шу нуқтаи назардан, олий таълим тизимидаги ўзгаришлар катта самара беради.

Амалда олий таълим муассасаларида ижарадан тушган маблағларнинг 50 фоизи хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш жағмармасига, 40 фоизи олий таълим муассасаларига, 10 фоизи ижара марказига йўналтирилган. Молиявий мустақиллик берилаётган олий таълим муассасаларида ижарадан тушган маблағнинг 1 фоизи давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса олий таълим муассасаларини ривожлантириш жағмармасига йўналтирилади. Шунингдек, асосий воситалар ва товар-моддий бойликларини сотишдан тушган маблағлар тўлалигича ўз ихтиёрида қолдирилади. Бундан ер, бино ва иншоотлар ҳамда ўқув-илмий лаборатория жиҳозлари мустақасно.

Молиявий мустақиллик берилаётган олий таълим муассасалари учун ихтимойи солиқ ставкаси 12 фоиз миқдоридан қўлланилади. Амалда бу 25 фоиз эди. Натижада олий таълим муассасалари ихтиёрида йилга қўшимча 354 миллиард сўм маблағ қолади.

Биргина Урганч давлат университети мисолида оладиган бўлсак, 2020 йилдан, яъни ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтилгандан буён 12 фоиздан ихтимойи солиқ тўлаймиз. Бу университет учун жуда катта ёрдам бўлмоқда. Ихтиёримизда қолаётган маблағларни моддий-техник базани ривожлантириш ҳамда талабалар учун янада қулай шароит яратишга сарфлаямиз.

Мутасар айтганда, мазкур ҳужжатлар мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, фан ва инновацияни ривожлантириш, таълим сифатини янада яхшилаш ва бозор эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ташкил этишга хизмат қилади.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



Давлатимиз мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ватан ҳимоячиларининг оила аъзолари учун муносиб турмуш шароити яратилиб, имтиёзли кредитлар асосида уй-жойлар билан таъминланмоқда. Ҳарбийларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинмоқда. Қолаверса, ҳарбий шахарчалар ҳудудида замонавий инфратузилмалар барпо этиш ва ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар барчанинг ҳавасини келтиради.

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ

халқимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асрашга ҳар томонлама қодир

Умид ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети ўқитувчиси,
подполковник

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган тўв ислохотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланди. Халқимиз ва ҳарбийларимизнинг ҳамжихатлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Ўртадошларимиз орасида фарзандини ҳарбий соҳага ўқитиш иштиёки тобора ошмоқда. Армия сафларида йигитлик бурчини ўташ ҳозирги ёшларнинг катта мақсадларидан бирига айланди.

Минтақамизда очкилик ва миллий манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойилларига асосланган ҳолда, Марказий Осиёдаги қўшни давлатларнинг юқори даражадаги ҳарбий делегация раҳбарлари билан ҳарбий соҳада яқин шериклик алоқалари ўрнатилди, қўшма меморандумлар имзоланди. Шунингдек, ҳарбий дала ўқув майдонларида амалий қўшма ўқув машғулотлари биргаликда ўтказилди. Натижада тезкор ва жанговар тайёргарлик борасида таъриба алмашдик. Бизнинг тобора кучайиб бораётган бундай ҳамкорлигимиз бугунги кунда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни, Марказий Осиё деб аталмиш умумий уйимизда тинчлик ва оқойишталикни таъминлашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Қуrolли Кучлар академиясида бошқарувнинг тезкор-стратегик бўғинида хизмат қиладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет ташкил этилди. Шу билан бирга, Махсус вазифаларни бажарадиган бўлинмалар учун ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ихтисослаштирилган ўқув марказ Миллий гвардия тасарруфида ташкил этилиши фикримизнинг исботи, деб ўйлайман.

Бугун ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлиги даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армиясининг

ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақалари, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида, жаҳон ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда, айниқса, олимпиадаларда Қуrolли Кучларимиз ҳарбий хизматчилари юртимиз байрогини баланд кўтармоқда. Ўзларининг маҳорати, руҳан ва жисмонан бақувватлиги, ғалабага ишончини намоён этиб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканларини яққол кўрсатмоқда. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси халқимизда, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини юксалтирмоқда.

Халқ ва армия ўртасида ишончли қўприкка айланган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятида муайян ютуқлар кўзга ташланаяпти. Ушбу секторлар ташкил этилганидан буён “Халқ ва армия — бир тану бир жондир” деган шior остида ҳарбий инфратузилмаларни модернизация қилиш ва тўлғаниб қолган ижтимоий муаммоларни хал этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилгани таъсирга лойиқ.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида бугун Ўзбекистон Қуrolли Кучлари юртимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва оқойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

Бугун жоначон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишни биз, ҳарбийлар энг устувор вазифамиз деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч-оқойишта ҳаётини, юртимизнинг мусоффо осмонини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз.

Мен ва жанговар ҳарбий биродарларимиз ўзимизнинг муқаддас қасамёдимизга содиқ қолиб, хизмат бурчини ҳар қандай шароитда сидқидилдан бажаришга ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга доимо тайёرمىз.



